

**Божхона орқали ҳаракатланаётган жисмоний шахслар товарлари
иқтисодий таҳлилини ахборот технологиялари ёрдамида
такомиллаштириш йўналишлари**

Мўйдинова Зилола Воҳид қизи

Божхона қўмитасининг Божхона институти
ўқитувчиси, божхона хизмати катта лейтенанти

E-mail: zilolamoydinova747@gmail.com

Жисмоний шахсларнинг товарлари таҳлилини такомиллаштириш истеъмолчиларнинг хулқ-атвори ва бозор динамикасини чуқурроқ тушунишни таъминлайдиган юқори автоматлаштирилган технологияларни жорий этишни талаб қилади. Катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш учун машинани ўрганиш ва сунъий интеллектдан фойдаланиш асосий йўналишлардан биридир. Ушбу технологиялар мижозларнинг афзалликлари, харидлар тарихи ва мавсумий тенденциялар ҳақида маълумот тўплашни автоматлаштиришга имкон беради, бу таҳлил жараёнини сезиларли даражада тезлаштиради ва унинг аниқлигини оширади.




Прогнозлаш тизимларининг интеграцияси ҳам бу йўналишда муҳим кадам ҳисобланади. Муайян товарларга талабни башорат қилишга қодир аналитик воситалар ёрдамида компаниялар ўз захираларини оптималлаштиришлари ва сақлаш харажатларини камайтиришлари мумкин. Бу нафақат молиявий хавфларни минималлаштириш, балки керакли маҳсулотларни ўз вақтида тақдим этиш орқали уларга хизмат кўрсатиш даражасини ошириш имконини беради.

Бундан ташқари, таҳлилий жараёнларни автоматлаштириш интерактив ҳисоботлар ва бошқарув панелларини яратишни ҳам ўз ичига олади, бу менежерларга долзарб маълумотлар асосида тезкор қарор қабул қилишга ёрдам беради. Шундай қилиб, технология ва таҳлилни бирлаштириш компанияларга нафақат бозордаги ўзгаришларга мослашиш, балки уларни олдиндан билиш имкониятини беради.

1-жадвал

**2020-2024 йиллар мос даврлари бўйича божхона чегараси орқали
ҳаракатланган жисмоний шахслар ҳаракат тури кесимида¹**

(минг ҳисобида)

Ҳаракат тури		2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2024 йил	Фарқ (2023 йил даврига)
Республика бўйича		11 278, 0	15 491, 3	29 510, 5	47 365, 6	55 402, 7	16,9%
	АВТО ўтказиш пунктлар и орқали	9 242,9	11 009, 2	24 180, 5	37 304, 0	42 980, 8	15,2%
	Темир йўл ўтказиш пунктлар и орқали	388,5	107, 3	305,5	544,8	593,1	8,8%
	АВИА ўтказиш пунктлар и орқали	1 646,6	4 374,8	5 016,5	9 044,8	11 812, 2	30,5%

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 56 та чегара божхона постлари мавжуд бўлиб, 2020 йилдан 2024 йилнинг мос давригача бўлган вақт оралиғида 117 289 317 нафар йўловчилар чегара божхона постлари орқали ҳаракатланган бўлиб, йўловчилар ҳаракати йилдан-йилга ўсиб бораётганлигини кўрамиз (1-жадвал).

¹ Божхона кўмитаси ААТ дастурлари асосида муаллиф ишланмаси

Чегара божхона постлари орқали ҳаракатланувчилар сони 2023 йилнинг мос даврига нисбатан умумий 5,9 % га ортганлигини кўрамиз. Мамлакатда туристлар оқимининг тобора кенгайиши, халқаро стандартлар асосида соддалаштирилган божхона назоратини жорий этиш хавфларни бошқарган ҳолда танлаб текширишни тақозо этади. Натижада, чегара божхона постлари орқали ҳаракатланаётган жисмоний шахслар товарларини тўлиқ божхона назоратидан ўтказиш имконияти камаяди. Бундай ҳолларда, ноқонуний товарлар айланувини олдини олиш мақсадида доимий тизимли равишда таҳлил қилиб бориш долзарб аҳамият касб этади.

Чегара божхона постлари орқали ҳаракатланаётган жисмоний шахслар товарлари иқтисодий таҳлилинини такомиллаштиришдаги кучли томонларини ўрганадиган бўлсак, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар доирасида божхона органларида замонавий ахборот тизимлари ва электрон хизматларни кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистоннинг ташқи савдо кўрсаткичлари ҳамда чегара божхона постлари орқали ҳаракатланаётган жисмоний шахслар, товар ва транспорт воситалари сони ошиб бораётган ҳозирги ҳолатда божхона органлари фаолиятини рақамлаштириш орқалигина божхона тартиботларида самарадорликка эришиш мумкин. Шу мақсадда сўнгги уч йилда божхона органлари фаолиятига 23 та янги ахборот тизими, 13 та янги электрон хизмат, 9 та мобиль илова жорий этилди. 8 та давлатнинг божхона хизматлари билан, шунингдек, 30 дан зиёд вазирлик ва идоралар, 39 та авиакомпаниялар билан ўзаро ахборот алмашинуви йўлга қўйилди.

Мавжуд ахборот тизимларига 250 дан зиёд янги модуллар, ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Дастурий таъминотларнинг узлуксиз ишлаши учун 87 та қурилмалар фаолияти таъминланди.

Соҳани рақамлаштириш ҳисобига экспорт товарларининг 92 фоизи ва импорт товарларининг 74 фоизи соддалаштирилган тартибда расмийлаштирилди. Бунда декларацияларни инсон омилисиз расмийлаштириш ҳажми 16 фоизга етказилиб, бу кўрсаткич экспорт товарларига оид декларациялар бўйича 42 фоизни ташкил қилди.

Хавф даражаси паст бўлган 145 мингдан ортиқ экспорт божхона декларациялари расмийлаштируви инсон омилисиз ўртача 3-5 дақиқада амалга оширилди.

Чегара божхона постлари орқали ҳаракатланадиган жисмоний шахслар товарлари иқтисодий таҳлилини такомиллаштириш ҳамда унинг натижаси асосида самарали қарорлар қабул қилиш ҳамда истиқбол режалар белгилаш учун Йўловчи божхона декларациясини реал вақт режимида жисмоний шахслар электрон тарзда тўлдирилишини амалиётга жорий этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Натижада, тадқиқот иши давомида ишлаб чиқилган чегара божхона постлари орқали ҳаракатланувчи жисмоний шахслар товарларини таҳлил қилиш кўрсаткичлари асосида тўлиқ ва аниқ иқтисодий таҳлил қилиш, шунингдек, моделлаштириш имкони яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. М.Қ.Пардаев ва А.Х.Шоалимов, Бошқарув таҳлили. - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2005.
2. М.Қ.Пардаев, Иқтисодий таҳлил назарияси. -Самарқанд. Зарафшон, 2001.
3. М.Қ.Пардаев, Б.И.Исроиловлар, Иқтисодий таҳлил. -Т.:Меҳнат, 2004.
4. М.Қ.Пардаев, Б.И.Исроилов, Молиявий таҳлил. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998.
5. А.Х.Шоалимов, М.Х.Ходжаева, Ш.И.Илхомов, Бошқа тармоқларда иқтисодий таҳлил ва аудит. -Т.: ТДИУ, 2011.
6. Жаҳон Божхона Ташкилоти, Data analysis – Practitioner’s book, World customs organization, 2018.
7. Andi Fild, SPSS dan foydalanib statistikani kashf etish, 3-nashr, AQSH.: S&M Dijitals Ltd,2009. (Andy Field, Discovering statistics using SPSS, 3rd edition, — USA.:C&M Digitals Ltd, 2009)